

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

10 **Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2308

(2012 йил 14 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги ПФ-4377-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 43-44-сон, 462-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 34-сон, 370-модда) бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

ни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари иловага мувофиқ ўзгартирилсин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2011 йил 1 декабрдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб, иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2011 йил 18 августдаги ФТК-06-13/593, 53, 54-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорини ўзгартириш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 2258, 2011 йил 25 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 359-модда) қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Фан ва технологияларни
ривожлантиришни мувофиқлаштириш
қўмитаси раиси**

Ш. САЛИХОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 21 декабрь,
9-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 21 декабрь,
80-сон

Молия вазири**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 21 декабрь,
85-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технология-
ларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш
қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия
вазирлигининг 2011 йил 21 декабрдаги 9,
80, 85-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон
қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига
фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг
илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи
илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг
базавий лавозим маошлари
МИҚДОРЛАРИ**

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
1.	Институт директори	
	профессор	972564
	фан доктори	933052
	фан номзоди	893756
2.	Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори	
	профессор	893756
	фан доктори	862002
	фан номзоди	823437
3.	Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудири	
	фан доктори ёки профессор	862002
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	823437
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	791897
4.	Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари	
	фан доктори ёки профессор	823437
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	791897

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	760181
	Бош илмий ходим	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	823437
5.	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	791897
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	760181
	Етақчи илмий ходим	
6.	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	791897
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	760181
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	722664
	Катта илмий ходим	
7.	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	722664
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	685576
	илмий даражага эга бўлмаган	649312
	Кичик илмий ходим	
8.	фан номзоди	685576
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	649312
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	613350
9.	Тажриба орттирувчи тадқиқотчи	541165